



ПРЕЗИДЕНТ “САМУРЫҚ-ҚАЗЫНА” ХЖ БОШҚАРУВИ РАИСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Давлат раҳбари Қ. Тўқаевга 2024 йилда «Самұрық-Қазына» ғуруҳининг соф фойдаси 39 фоиз, шунингдек, молиявий операциялар фойдаси 9 фоизга ошгани ҳақида маълумот берилди.

“Самұрық-Қазына” ХЖ раиси Нурлан Жақипов бу йил май ойида битум ишлаб чиқаришни кенгайтириш лойиҳаси бошланганини маълум қилди. Йил охиригача яна 7та йирик сармоя лойиҳаси, жумладан, Кендерли қишлоғидаги тузсизлантириш заводи, Алматы шаҳрини айланиб ўтадиган темир йўл тармоғи, Ақтау портидаги контейнер хаби, Талдықўрган-Ушарал магистраль газ қувири, Жамбил вилоятида шамол энергияси бўйича ускуна ишлаб чиқарадиган корхона қурилишлари амалга оширилади. “Достық-Мойынты” участкасидаги иккинчи темир йўлни эса муддатидан бир йил олдин фойдаланишга топшириш режалаштирилган.

Давлат раҳбарига «Бадастир мактаб» миллий лойиҳасининг амалга оширилиши ҳақида маълумот берилди. Ҳозирги кунда 106та мактаб қурилиши якунланмоқда, йил охиригача яна 102та таълим муассасаси қурилиши режалаштирилган.

Қ. Тўқаев «Самұрық-Қазына» фаолияти билан боғлиқ қатор вазифаларни таъкидлаб, компания активларининг самарадорлиғи, қийматини ошириш, шунингдек, сармоявий лойиҳаларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш борасидаги ишларни давом эттириш юзасидан кўрсатма берди.

Akorda.kz.

ҚОЗОҒИСТОН, ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚИРҒИЗИСТОН СУВ МАСАЛАСИНИ МУҲОКАМА ҚИЛДИ

Қозоғистон, Ўзбекистон ва Қирғизистон Тошкентда бўлиб ўтган йиғилишда вегетация даври учун сув-энергетика тартиблари бўйича келишиб олди, дея хабар беради ҚР Энергетика вазирлиғи.



Тошкентда ўтаётган халқаро энергетика анжумани доирасида ҚР Энергетика вазири Е. Аққенженов минтақавий ҳамкорлиқни мустаҳкамлашга қаратилган қатор муҳим учрашувлар ўтказди. Қозоғистон, Ўзбекистон ва Қирғизистон энергетика ва сув ресурслари бўйича масъул вазирларнинг режалаштирилган уч томонлама учрашуви бўлиб ўтди. Натижада энергетика иншоотларининг келишилган иш тартиблари ва Сирдарё ҳавзасидаги сувни келгуси вегетация даврида тақсимлаш тартибини белгилловчи баённома имзоланди.

Мазкур ҳужжатнинг имзоланиши сув захираларидан мувозанатли фойдаланиш ва Марказий Осиё энергетика тизимларининг барқарор фаолиятини таъминлашга қаратилган уч давлатнинг доимий ҳамкорлиғи доирасидаги муҳим қадамдир. Ҳар бир вегетация даври олтидан бундай вазиятларни муҳокама қилиш ва келишиш мамлакатларга ҳозирги гидрологик ҳолати ва сув-энергетика захираларига бўлган эҳтиёжини ҳисобга олиш имконини беради.

Қозоғистон Республикаси Энергетика вазири “Ўзбекистон энергетика ҳафталиғи” кўргазмаси ишида иштирок этди. У ерда Қозоғистон компаниялари стендларига эътибор қаратиб, уларнинг соҳа ривожига, инновацион лойиҳаларни амалга оширишга қўшаётган ҳиссасини қайд этиб, энергетика соҳасидаги замонавий технология ва ишланмалар билан танишди.

Қозоғистон Республикаси Энергетика вазири Ерлан Аққенженов ташриф якунларини шарҳлар экан, шундай деди:

“Доимий уч томонлама маслаҳатлашувлар ва сув-энергетика масалалари бўйича ҳужжатлар имзоланиши умумий захираларни бошқаришга тизимли ёндашиш имконини беради. Бугунги кунда вегетация тартиблари бўйича эришилган келишувлар ҳамкорликдаги изчил ишлар самараси бўлиб, барча иштирокчи мамлакатлар манфаатларини таъминлашга қаратилган. Бундан ташқари, биз энергия соҳасидаги технологик ўзгаришларни кузатишда давом этамиз ва ишлаб чиқарувчиларимизни қўллаб-қувватлаймиз. Бу соҳани замонавийлаштириш ва минтақавий ҳамкорлигимизни мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга”, деди Ерлан Аққенженов.

Учрашувда томонлар қатор узок муддатли стратегик лойиҳалар бўйича маслаҳатлашувларнинг боришини муҳокама қилдилар. Хусусан, Қозоғистон, Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасида Қамбар-ата ГЭС-1 қурилиши бўйича музокаралар режадагидек давом этаётгани, Озарбайжон, Қозоғистон ва Ўзбекистон иштирокида амалга оширилаётган Каспий энергетика коридорини яратиш лойиҳаси устида иш олиб борилаётгани таъкидланди.

Қозоғистон делегациясининг ташрифи ва ўтказилган учрашувлар минтақавий энергетика мулоқоти ва Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги амалий ҳамкорлиқни янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Казинформ.

Жанубий ҚОЗОҒИСТОН

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган
Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

2025 йил 17 май, шанба, №51 (3552).

»» Президент

ПРЕЗИДЕНТ ХАВФСИЗЛИК КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИНИ ЎТКАЗДИ



Қ. Тўқаев раислигида ҚР Хавфсизлик Кенгашининг транспорт-логистика соҳасини ривожлантириш борасида йиғилиш ўтди.

Транспорт вазири М. Қарабаев ҳамда қатор марказий давлат идоралари раҳбарларининг маърузалари тингланди.

Давлат раҳбари транспорт соҳасидаги вазиятни танқид қилди. Тўпланиб қолган муаммолар ва белгиланган режаларнинг урдаланмаслиғи замонавийлаштириш тадбирларига тўсқинлик қилмоқда.

Президент чегарадан юк ўтказишдаги қийинчиликлар, кўплаб назорат бекатларининг ночор аҳолини, шунингдек, йирик инфратузилма ва транзит лойиҳалар ижроси муддатидан кечикаётганини таъкидлади.

Қасим-Жўмарт Тўқаев «Яшил йўлак» тизимини барпо этиш ва мамлакатнинг логистика салохиятидан кенг фойдаланиш муҳимлигига тўхталиб, унинг таъкидлашча, дунёвий муаммолар кўпайган даврда Қозоғистон нафақат рақобатбардошлигини сақлаб қолиши, балки мустаҳкамлаб олиши ҳам керак.

Давлат раҳбари юк ташиш ҳажмини ошириш учун бозорни авиаёқилғи билан етарли даражада таъминлаш зарур, деб ҳисоблайди.

Шунингдек, мультипликатив самарадорликни ошириш мақсадида мамлакатимиз орқали юк ташиш ҳажмини ошириш, жумладан, унинг дунёвий тизимга қўшилиш вазифасини қўйди.

Мажлис якунида Президент иш давомида йўл қўйилган камчиликлар учун вазир Марат Қарабаевга танбەх берди. Шунингдек, соҳадаги муаммоларни ҳал этиш юзасидан аниқ чоратадбирлар кўришни топширди.

Akorda.kz.

»» Халқаро симпозиум



“Замон ва маданият мулоқотидаги Яссавий мероси: гуманистик йўналиш ва замонавий танқид-хатарлар”

деб номланган халқаро симпозиум ҚР Маданият ва ахборот ҳамда Фан ва олий таълим вазирликлари ташкилотчилигида Туркистон шаҳрида Конгресс холлда ўз фойдалитини бошлади.

Давлат раҳбари Қасим-Жўмарт Тўқаев Миллий Қурултойнинг учинчи анжуманида “Хожа Аҳмад Яссавий меросини теран ўрганиб тарғиб қилишга алоҳида эътибор қаратмоқ даркор. Бу масала бўйича, энг аввало, ўз элимиз ва хорижлик олимларни

таклиф қилиб, махсус симпозиум ўтказиш зарур”, деб таъкидлаганди.

Фан ва олий таълим вазири Саясат Нурбек раислик қилган халқаро анжуманда ҚР Давлат маслаҳатчиси Ерлан Қарин Давлат раҳбари Қасим-Жўмарт Тўқаевнинг халқаро симпозиумга аталган табриқномасини ўқиб берди. ҚР Маданият ва ахборот вазири Аида Балаева, Туркистон вилояти ҳокими Нуралхан Кўшеровлар меҳмонларни муборакбод этиб, анжуманнинг аҳамиятига тўхталишди. Жаҳоннинг

20га яқин давлатларидан ташриф буюрган таниқли олимлар, хусусан, Ўзбекистонлик Бахтиёр Бобононов, туркистонлик Дўсай Кенжетайлар анжуман иштирокчиларини самимий муборакбод этиб, илмий маърузаларини баён этишди.

Давлатимиз томонидан Яссавийшуносликка теран аҳамият берилмоқда. Туркистон шаҳрига шу йил 3 март куни алоҳида мақом берилди. Х.А.Яссавий мақбараси музейи таркибида 25 илмий ходим меҳнат қиладиган Яссавийшунослик илмий тадқи-

қот маркази фаолият юритмоқда. Ҳар йили шаҳар, туман, вилоятлар ҳамда республика миқёсида 6-синфдан бошлаб мактаб ўқувчилари Яссавийшунослик танловидида фаол иштирок этмоқда.

Анжуманда ҳар икки йилда Туркистон шаҳрида Яссавийшунослик илмий халқаро симпозиумини ўтказиш ҳақида Давлат раҳбари қарори баён этилди.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Суратда: тадбирдан лавҳа.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати хабар қилади:



ДАВЛАТ МАСЛАҲАТЧИСИ – ВИЛОЯТИМИЗДА

Давлат маслаҳатчиси Ерлан Қарин Туркистон вилоятида ички сиёсат масалалари бўйича йиғилиш ўтказди.

Учрашувда вилоят ҳокими Н. Кўшеров, туман ҳокимлари ва вилоят бошқармалари раҳбарлари иштирок этди.

Йиғилишда Давлат раҳбарининг ташаббуслари ва топши-

рикларини самарали амалга ошириш, миллатлараро ва конфессиялараро тотувликни мустаҳкамлаш, фуқаролик жамияти шўъбалари билан ҳамкорлик, ахборот ва ёшлар сиёсати, шунингдек, бошқа масалалар муҳокама қилинди.

Ерлан Қарин давлат идоралари фаолиятидаги асосий тамоийилларга тўхталиб, ички сиёсат соҳасидаги муаммоларнинг олдини олиш борасида фаол иш юритиш зарурлигига тўхталди.

Учрашув якунида мутасадди идораларга аниқ топшириқ-кур-сатмалар берди.

Давлат маслаҳатчиси сафари сўнггида Хожа Аҳмад Яссавий мақбарасини зиёрат қилди ва у ерда олиб борилаётган тадқиқот ва таъмир ишлари билан танишди. У нафақат мамлакатни, балки ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон маданий мерослари рўйхатига киритилган ноёб иншоотни асраб-авайлаш муҳимлигини алоҳида таъкидлади.

ТУРКИСТОН ШАҲАР КОДИ ПАЙДО БЎЛДИ

– Туркистон шаҳрининг маданий меросини сақлаб қолган ҳолда ягона меъморий ва бадий услубни шакллантириш ва қулай шаҳар муҳитини барпо этишдир.

Лойиҳанинг асосий вазифалари сифатида шаҳарнинг тарихий ва янги бинолари ўртасида уй-ғуналикни таъминлаш, бинолар қиёфасида умумий меъморий ва бадий талабларни жорий этиш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари учун қулай шароитлар яратиш, экологик ва

технологик ечимлар ҳамда амалдаги меъёрий-ҳуқуқий базани янгилашдан иборат.

Брифингда янги дизайн коднинг замон талабларига жавоб бериши, шаҳар аҳолиси ва меҳмонлари учун тарихий меросга путур етказмасдан қулай ва хавфсиз муҳит яратишга қаратилган муҳим ҳужжат экани таъкидланди.

Учрашув якунида маърузачилар журналистлар саволларига жавоб бердилар.

“Алатау медиа” марказида “Туркистоннинг дизайн коди” мавзuida брифинг ўтди.

Унда «Туркистон шаҳрининг алоҳида мақоми тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ расмий равишда дизайн коди тақдим этилди, унинг асосий йўналишлари ва талаблари тушунтирилди.

Дизайн коди мавжуд талаблар тўпламини ўз ичига олади. Унда умумий қоидалар, архитектура ва шаҳарсозликнинг асосий талаблари, ташқи маълумотлари, кўча навигация тизимлари ва бошқалар киритилган.

Лойиҳанинг асосий мақсади

ИСИТИШ МАВСУМИГА ТАЙЁРГАРЛИК БОШЛАНДИ

Вилоятда 2025-2026 йилги иситиш мавсумига тайёргарлик ишлари авжида. Дарвоқе, вилоятда 7та корхона иссиқлик таъминоти бўйича хизмат кўрсатади. Уларнинг тасарруфида 1та энергетика мажмуаси, 34та марказлаштирилган қозонхона ва 1622та автоном қозонхона мавжуд. Ушбу иситиш марказлари орқали вилоятда 1297та таълим, 685та тиббиёт, 210та маданият, 7та бандлик, 73та спорт ва 737та қўп қаватли уй-жой бинолари иссиқлик билан таъминланади.

Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари З. Жўлдасов раҳбарлигида ўтган йиғилишда иситиш мавсумига тайёргарлик ишлари пухталанди.

Энергетика ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси раҳбари ўринбосари Руза Сариеванинг айтишича, иссиқлик мажмуалари учун зарур миқдор-



да ёқилғи ишлаб чиқарилмоқда. Умуман олганда, яқинлашиб келаётган иситиш мавсуми муваффақиятли ўтиши учун 109,7 минг тонна кўмир, 20 минг литр дизель ёқилғиси, 7,9 минг тонна мазут ва 27 627 минг м3 газ керак бўлади. Бюджет ташкилотларининг қозонхоналари учун зарур бўлган кўмир ҳажмига аниқлик киритилмоқда ва ҳозирда харидлар юзасидан тендерлар ўтказилмоқда.

З. Жўлдасов бошқармалар

ва туман ҳокимликларига кўмир етказиб бериш бўйича тадбирларни зудлик билан ташкиллаштириш ва коммунал хўжаликдаги корхоналарнинг молиявий муаммоларини ҳал қилиш чораларини кўришни топширди. Шунингдек, газ ўтказилган қишлоқлардаги ижтимоий иншоотларнинг қозонхоналарини газга ўтказиш ишларини режалаштириш, иссиқхоналарга кўмир етказиб беришни доимий назоратга олишни топширди.

МАҚТААРАЛДА МАКТАБ ЛИБОСИ ТИКИЛАДИ

Мазкур лойиҳа туман иқтисодида ижобий таъсир кўрсатиб, тўқимачилик ва енгил sanoat соҳасида янги имкониятларга йўл очади.

Фабриканинг бош мақсади – маҳаллий бозорга замонавий, юқори сифатли мактаб либосларини чиқариш. Дастлаб туман ва қўшни туманларни мактаб либоси билан тўлиқ таъминлаш режаланган. Кейинчалик маҳсулот бошқа вилоятларга ҳам чиқарилади.

Янги корхонанинг ишга туширилиши минтақа учун ижтимоий аҳамиятга эга. Режага мувофиқ, фабрика 200 нафарга яқин одамни доимий иш билан таъминлайди. Бу – маҳаллий аҳоли учун даромад манбаигина бўлиб қолмай, касбий ҳижатдан ривожланишга, янги соҳани ўзлаштиришга имконият яратади.

Корхона маҳоратга алоҳида эътибор қаратган ҳолда сифатли кадрлар таркибини шакллантириш мақсадида июнь ойининг охиридан бошлаб ишга қабул қилиш ва ўқитишни бошлайди. Янги ходимлар тикувчилик сирларини ўрганиб, махсус ўқитиш дастурларида кўникма ва малака оладилар. Ушбу услуб кадрлар малакасини оширибгина қўймай, маҳсулот сифатига ижобий таъсирини таъминлайди.

Атакентда очиладиган ушбу фабрика, нафақат иқтисодий лойиҳа, балки, ижтимоий барқарорликка ҳам таъсир кўрсатади. «FANGAO» компаниясининг мазкур ташаббуси – Мақтааралнинг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатиб, Қозоғистонда енгил sanoatнинг тараққий этишига хизмат қилади.

ВАЗИР ТИББИЁТ МУАССАСАЛАРИ БИЛАН ТАНИШДИ



ҚР Соғлиқни сақлаш вазири Ақмарал Алназарова Туркистон вилоятига хизмат сафари билан ташриф буюрди. Ташриф давомида минтақадаги тиббиёт муассасалари фаолияти билан танишиб, соҳа мутахассислари билан учрашувлар ўтказди.

Вазир дастлаб вилоят тез тиббий ёрдам станциясида бўлиб, муассасанинг моддий-техника базасини кўздан кечирди. «Тез ёрдам» машиналарини жиҳозлаш, кўнғироқларни қабул қилиш

ва манзилга етиб боришини таъминлаш, жамоаларнинг тайёргарлик даражаси каби муҳим соҳалар эътибордан четда қолмади.

Шунингдек, фельдшерлар ва «Тез ёрдам» хизмати диспетчерлик ходимлари билан суҳбатлашиб, уларнинг таклифларини тинглади. Вазир тез тиббий ёрдам хизмати аҳоли саломатлиги учун алоҳида аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб, ходимларга миннатдорчилик билдирди.

Сафар Туркистон шаҳар болалар касалхонасида давом этди. Вазир шифохона бўлимларида, даволаш-диагностика хоналари фаолияти, замонавий тиббий асбоб-ускуналар, беморларни даво-

лаш сифати билан танишди. Шунингдек, болалар бўлимидаги беморларнинг аҳоли, даволаш ва назорат даражаси ҳамда мутахассисларнинг малакаси ҳам эътибордан четда қолмади.

Шифохона ходимлари билан учрашувда вазир замонавий соғлиқни сақлаш соҳасидаги асосий вазифаларга эътибор қаратди ва она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, тиббий инфратузилмани ривожлантириш борасида олиб борилаётган ишларни қайд этди.

Шунингдек, вазир кўтарилган масалаларни шахсан назорат қилиб, тегишли курсатмалар берди.

ЗАРАРКУНАНДАЛАРГА ҚАРШИ КУРАШ НАТИЖАЛАРИ

Туркистон вилоятида чигиртка ва қишлоқ хўжалиги зараркунадаларига қарши зарарсизлантириш тадбирлари тўхтовсиз олиб борилмоқда. Ушбу масала вилоят ҳокими Н. Кўшеровнинг доимий назоратида. Айни пайтда вилоятдаги 866,7 гектар майдон ўрганилиб, 359,8 минг гектарига ишлов берилган.



Амалга оширилаётган ишларни кузатиш ва долзарб масалаларни муҳокама қилиш мақсадида вилоят маслаҳати раиси Нурали Абимов Келес туманидаги Бирлик қишлоғига ташриф буюрди. Келес тумани ҳокими Жанибек Ағибаев ва мутасадди мутахассислар минтақадаги ҳозирги вазият ҳақида баён қилишди.

Келес туманида чигирткаларга қарши курашиш мақсадида 17та шўъба белгиланиб, 85та пуркаш ускуналари ажратилган. Ишчи гуруҳлар

123та осма пуркагичлар билан таъминланиб, 447 одам зарарсизлантириш ишларига жалб қилинган. Ушбу тадбирга бошқа деҳқон хўжаликлари соҳиблари ҳам ўз хиссаларини қўшмоқда.

Мутахассисларнинг фикрича, Арис шаҳрида зараркунадаларга қарши курашга Қўжатўғай, Ақдала, Мўнтай-тас, Дермене қишлоқларида 22та ишчи гуруҳ, Саригоч тумани бўйича Алимтау, Дарбаза, Жилға, Тегисшил, Қизилжар, Дербисек, Жибек

жўли, Ақжар қишлоқларида 15та ишчи гуруҳ, Келес тумани бўйича Бирлик, Жамбил, Бўзай, Ўшақти, Ақтўбе, Биртилек, Қўшқарата қишлоқларида 17та ишчи гуруҳ жалб қилинмоқда.

Сўнгги маълумотларга кўра, аричнкалар аниқланган ҳудудлар Арисда – 46, Келесда – 26, Саригочда – 13та техника майдонлар дориланмоқда.

Туркистон вилоят маслаҳати.

ЭЛ КОРИГА КАМАРБАСТА ДЕПУТАТ



Туркистон вилоят маслаҳатининг депутатлари халқнинг таклиф ва истакларини мунтазам инobatга олишди. Улар сайловчиларининг мурожаатларини бажаришни асосий вазифа деб билади. Чунки халқ мандат эгаларига ишонади.

Масалан, депутатлар вилоят бюджети маблағларини соҳаларда самарали фойдаланиш ва тақсимлаш бўйича қатор таклифларини илгари сурдилар.

Улардан бири, вилоят маслаҳат депутати, тадбиркорлик, қурилиш, инфратузил-

мани ривожлантириш, ер муносабатлари ва табиатдан фойдаланиш бўйича доимий комиссия аъзоси Н. Сейитжанов Ўтрор тумани аҳолисининг мурожаатларига мувофиқ, депутатлик сўровномани юбориб, масалани кўтарди. Аниқроқ қилиб айт-

ганда, Нуржан Серикжанули Ақтўбе ва Ескишил аҳоли манзиллари орасидаги 8 чакиримли туман аҳамиятига молик автомагистрални таъмирлашни молиялаштиришни вилоят иқтисодиёт ва бюджетни режалаштириш бошқармаси раҳбари ҳамда вилоят йўловчилар транспорти ва автомобиль йўллари бошқармаси раҳбарига бюджетдан 800 млн. тенге маблағ ажратишга қўмаклашиш учун сўровнома йўллади. Ушбу масала доимий комиссия йиғилишида муҳокама қилиниб, халқ ноиблари томонидан қўллаб-қувватланди. Аҳолининг таклифи сессияда кўриб чиқилади.

Таъкидлаш жоизки, депутат Нуржан Серикжанули Ўтрор туманидаги бир қанча масалаларнинг ижобий ечим топишига эришган. Аҳоли мурожаатларига мунтазам эътибор қаратадиган халқ депутати 2024 йилда 26та депутатлик сўровнома жўнатган, улардан 18таси ижобий ҳал қилинган.

Туркистон вилоят маслаҳати.

САЙЁР ЖАМОАТ ҚАБУЛИ – МАНКЕНТДА

Сайрам туманининг Манкент қишлоқ Маданият уйида аҳоли учун «AMANAT» партиясининг Сайрам туман филиали сайёр жамоат қабулини уюштирди.

Унда қишлоқ аҳлининг муурожаатлари ва арзларига соҳа мутахассислари атрофлича жавоб бериб, тегишли қарорлар қабулланди.

Сайёр жамоат қабулида туман ҳокимининг ўринбосари Руслан Муздибеков, туман маслаҳати раи-

си Шамхат Холмуродов, «AMANAT» партияси туман филиалининг ижроия котиби Қуаниш Сиздиқов, шунингдек, туман маслаҳати депутатлари, фракция аъзолари Беҳзод Сайдирахимов, Асанали Керимов, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари, давлат муассасалари раҳбарлари, суд ижрочилари, адвокатлар, ҳуқуқшунослар, нотариуслар, медиаторлар, банк раҳбарлари, қишлоқ ҳокимлари, таълим, ма-

даният, тиббиёт соҳаси, нодавлат ташиқотлар, «Қазақтелеком» ҲҲ, «Қазпочта» ҲҲ ва ОАВ вакиллари иштирок этдилар.

Партиянинг сайёр жамоат қабуллари барча қишлоқларда ўтказилди.

3. АҲМАДЖОНОВ.

Тасвирларда: сайёр жамоат қабулидан лавҳалар.



500 МИНГДАН ЗИЁД ДАРАХТ КЎЧАТИ ЭКИЛДИ

Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Зулпихар Жўлдасов раислигида “Тоza Қозоғистон” дастури доирасида амалга оширилган ишлар таҳлили ва келгуси вазифалар борасида ййғилиш ўтди.

Учрашув давомида вилоятда олиб борилаётган ободонлаштириш тадбирлари, экологик ҳолатни соzлаш ва келгусида амалга оширилиши жоиз юмушлар муҳокама қилинди. Шунингдек, туман, шаҳар ҳокимликлари, тегишли идора ва муассасалар фаолияти таҳлил қилиниб, атроф-муҳитни муҳофаза қилишга қаратилган янги ташаббуслар намойиш этилди.

Хусусан, 3 мартдан 12 майгача вилоятда 1867та экологик тадбир ташкил этилиб, унда 327 мингдан зиёд аҳоли иштирок этган. Тадбир доирасида

вилоятда 509 839 туп дарахт экилди. Тадбирларга 2081та техника жалб қилиниб, 7614 тонна ахлат чиқарилди. Шунингдек, @tazaqazbot телеграм чат-боти орқали 2107та ариза қабул қилиниб, 2069таси ўз вақтида ечимини топди.

Учрашув якунида соҳанинг мутасадди раҳбарларига аниқ топшириқлар берилиб, тадбирни сифатли ва самарали давом эттиришни таъминлаш масалалари илгари сурилди.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.



РЕПРОДУКТИВ САЛОМАТЛИК ҲАФТАЛИГИ БОШЛАНДИ



Бу ҳақда ҚР Президенти қoшидаги Хотин-қизлар ишлари ва оилавий-демографик сиёсат бўйича миллий комиссия аъзоси Баян Жандўсова брифингда маълум қилди.

Унинг таъкидлашича, шу йилнинг 12-18 май оралиғида мамлакатда аҳолининг “Репродуктив саломатлиқни муҳофаза қилиш” ҳафталиги эълон қилинган. Шунингдек, ҳомиладорликдан аввал соғлиқни сақлаш ва оилани режалаштириш тадбирлари Туркистон вилоятининг Туркистон, Кентов шаҳарлари ва Байдибек туманида ўтади. Умуман, аҳолининг репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш ва оилани режалаштириш бўйича ахборий тарғибот тадбирлари қучайтирилмоқда.

– Туркистон вилояти республикада

бола туғилиш кўрсаткичи бўйича етакчи. Ўтган йили икки миллиондан зиёд аҳолига эга минтақада 50 214 мингга яқин, сўнги 4 ой ичида 15 094 минг бола дунёга келган. Минтақада бола туғиш ёшидаги аёллар 453 235 нафарни ташкил этади, шу жумладан, ҳомиладор аёллар – 42 788, хавфли гуруҳдагилари – 12 745, экстрагенитал дардга мубтало бўлганлар – 4 348, қарши кўрсаткичларга эга – 617 аёл бор. Бундан ташқари, Туркистон вилояти бўйича 2024 йилда бачадон саратони билан хасталанган 132 аёл “Д” рўйхатига олинган, – деди вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси раҳбарининг “Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш” бўйича муовини Мадина Ережепқизи.

Минтақавий алоқалар хизмати.

ТАЖРИБА АЛМАШИШ ДАВР ТАЛАБИ



Туркистон вилоятидаги саноат соҳасининг «тараққиёт даври», иқтисодиётнинг ҳаракатланувчи кучларидан бири сифатида жадал ривожланиши ва сармоя жалб қилишдаги муваффақиятлари мамлакатнинг бошқа минтақалари қизиқишини ортирмоқда.

Вилоят ҳокими Н. Кўшеровнинг топшириғига биноан, Туркистон вилоятида сармоя жалб этиш ва янги корхоналар очиш бўйича тизимли ишлар олиб боришмоқда.

Минтақада ишлаб чиқаришни ривожлантириш жараёни билан танишиш мақсадида Ақтўбе вилоятидан махсус делегация ташриф бурюди.



Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

ЯЙЛОВЛАР ДАВЛАТГА ҚАЙТАРИЛАДИ



Сайрам тумани ҳокими Арман Сабитов раислигида қишлоқ хўжалиги мақсадидаги яйловларни давлат тасарруфига қайтариш тадбирларига бағишланган навбатдаги мажлис ўтди.

Унда берилган топшириқлар ва белгиланган вазифаларнинг ижроси муҳокама қилиниб, амалга оширилган ишларнинг натижалари баён этилди. Аниғини айтганда, 2022-2024 йилларда жами 9971 гектар яйловни давлат тасарруфига қайтариш режаланган. Бугунги кунгача 5433 гектар ер давлат тасарруфига қайтарилиб, бу борадаги ишлар давом эттирилмоқда.

Шундай бўлса-да, баъзи қишлоқ ҳокимлари ва бўлимлар томонидан камчиликларга йўл қўйилгани аниқланди. Шунга мувофиқ, туман ҳокими мутасаддиларни огоҳлантирди.

– Умумий яйлов – ҳар бир қишлоқ фуқароси учун

муҳим. Шу боис, ушбу йўналишдаги ишлар пухта бажарилиши жоиз, – деди А. Сабитов.

Мажлис якунида туман раҳбари камчиликларни тартибга келтириб, топшириқларни ўз муддатида

бажариш зарурлигини таъкидлади.

Сайрам туман ҳокимининг матбуот хизмати.

АНЪАНАВИЙ ТИББИЁТ ДОИРАСИДАГИ УЧРАШУВ

ТУРКИСТОН ДЕЛЕГАЦИЯСИ ХИТОЙДА ЎТГАН АНЪАНАВИЙ ТИББИЁТ ДОИРАСИДАГИ ХАЛҚАРО УЧРАШУВДА ИШТИРОК ЭТДИ

Хитойнинг Шэнси вилоятида Шимолий-Шарқий Осиё мамлакатлари минтақавий маъмуриятлари ҳамжамияти аънавий тиббиёт бўйича комиссиясининг иккинчи ййғилиши ўтди.

Учрашув “Аънавий тиббиётнинг янги имкониятлари: соғлиқни сақлаш соҳасида дунёвий жамиятни яратиш” мавзусида ўтди. Унда NEAR ташкилотига аъзо 20 минтақа вакиллари иштирок этишди. Хусусан, Тур-

кистон вилоятининг делегацияси, Япониянинг Эхиме префектураси ва Токио шаҳри, Жанубий Кореянинг Сиань шаҳридаги консулхонаси вакиллари иштирок этди. Учрашув давомида аънавий тиббиёт соҳасида халқаро ҳамкорлиқни ривожлантириш масалалари кенг муҳокама қилинди.

Тадбирда Туркистон вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси раҳбари Асхан Байдувалиев иштирок этиб,

аънавий тиббиёт бўйича олиб борилаётган ишлар ва режалар ҳақида гапирди.

Мақсад – аънавий тиббиётнинг дунёвий тараққиётдаги аҳамиятини ошириш, халқаро ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш ва соғлиқни сақлаш соҳасининг самарадорлигини юксалтиришдан иборат.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

ОНА ЗАМИННИ ЁВДАН ОЗОД ЭТГАНЛАР



Абдуллажон Жумабоев ҳарбий хизматга 33 ёшида, 1942 йил апрель ойида қақирилган. У қисқа ҳарбий тайёргарликдан сўнг, фашистларга қарши жангга отланиб, Калинин фронтининг 228-ўқчилар полкида оддий аскар сифатида душман билан аёвсиз урушда қатнашади. Тунги разведкага бориб, асир олиб қайтаётганида кўлидан жароҳатланади. Ярославнинг Шуя шаҳар госпиталида даволангач, кичик командирлар тайёрлаш мактабида тахсил олади. Бўлинма командири сифатида А. Жумабоев Воронеж, Белгород, Харьков шаҳарларини озод қилшда қатнашди.

Днепр дарёси бўйидаги жангларда огир яраланиб, 1943 йил 3-ғуруҳ ногирони сифатида армиядан қайтди. У бир неча жанговар нишонлар билан тақдирланган.

Абдуллажон Жумабоев 1982 йилда вафот этган.



Маҳмуд Жумабоев.

Сайрам қишлоғида ёш авлодга таълим-тарбия берган ўқитувчи М. Жумабоев 1942 йил 35 ёшида ҳарбий хизматга қақирилган. У қисқа муддатли ҳарбий тайёргарликдан сўнг, Андижон шаҳрида армия сафига қақирилган йигитларга ҳарбий таълим бера бошлайди. Кейинчалик ўз аризасига биноан, фронтга жунаб кетади. У Москва, Орехово-Зуево, Витебск,

Смоленск каби кўплаб шаҳарларни озод қилиш учун бўлган жангларда иштирок этади. Жумабоевнинг ҳарбий бўлинмаси кўпинча мудофаанинг олдинги сафида бўлгани боис, сергак ва чаққон ҳаракат қилишга мажбур эди. Қўмондонликнинг топшириқларини аъло даражада бажаргани учун мукофот ва ташаккурномалар билан тақдирланган.

1943 йилнинг сўнггида Витебск учун бўлган жангда Маҳмуд Жумабоев душман ўқидан жароҳат олади. Батаннинг содиқ фарзанди яраси битар-битмас, яна ҳарбий қисмга қайтади. Аммо аёвсиз жанглардан бирида огир яраланади. Госпиталда узоқ даволанса-да, шифокорлар уни фронт ортига қайтади. 1944 йилнинг ёзида она қишлоғига қайтиб, ўқитувчилик касбини давом эттиради. Ус-тоз фронтда кўрсатган жасорати учун 7та жанговар медаль, “Шавкатли меҳнати учун” кўрак нишони билан тақдирланади. У 1997 йил 90 ёшида вафот этади.



Турдиниёз Жумабоев.

1923 йили деҳқон оиласида туғилган. 19 ёшида ҳарбий хизматга қақирилади. Қисқа муддатли ҳарбий тайёргарликдан сўнг, Ленинград шаҳар мудофаачиларига ёрдамга отланди. Т. Жумабоев хизмат қилган 12-десантчилар батальони душманга катта талафотлар етказди. Уларнинг ҳарбий қисми душманни Берлингача қувиб боргач, 1945 йил август-сентябрь ойларида Япония империалистларига қарши жангга отланди.

Т. Жумабоев барча жангу жадалларда Ватан озодлиги учун мардонавор курашди. 1946 йил март ойида она қишлоғига қайтиб келди. Тинч меҳнат кучида 30 йилдан зиёд ҳайдовчилик қилди. Унинг кўксини қатор жанговар нишонлар безаб турарди.

Умр омонат, отахонга Ғалаба байрамларининг 70-80 йилликларини қарши олиш насиб этмади.

М. УСМОНОВА.

БАЙРАМОНА ТАДБИР



Шимкент шаҳридаги 53-сонли ўрта умумтаълим мактабида Ғалабанинг 80-йиллигига бағишланган “Авлодлар унутмайдиған Буюк Ғалаба” мавзундаги байрам тадбири ўтди. Унда иштирок этаётган меҳмонлар қаҳрамонлар ёдгорлиги пойига гулчамбарлар қўйиб, бир дақиқа сукутга чўмиб, УВУда қурбон бўлган мард ўғлонлар хотирасига эҳтиром кўрсатишди.

Тадбирдан аввал мактаб муаллимлари очиқ дарсларда ўқувчиларга бетаквир ва ўзига хос қадриятларимиз – Ватан олдидаги фарзандлик бурчини адо этиш, киндик қони томган заминга кўрсатиладиган юксак эҳтиром хусусида мулоҳазалар билдиришди, ҳаётий мисоллар келтириб, халқимизнинг фахри бўлган жасоратли ва мард фарзандлари хотираси муқаддаслиги алоҳида таъкидланди. Тадбирда сўзга чиққан ўқувчилар боболарининг ҳаётларидан олган ўрнаклари хусусида таассуротлари билан ўртоқлашишди.

Иштирокчи меҳмонлар тарих фани муаллимаси Қарлиғаш Қулпиева ташаббуси билан уюштирилган тадбир самарали ҳамда ёшларга намуна руҳида ўтганлигини алоҳида таъкидлашди ва миннатдорчилик изҳор қилишди.

“Жанубий Қозоғистон” мухбири.



Айниқса, Ғалабанинг 80 йиллиги нишонланаётган йилда аждодларимизнинг, бизнинг бахтли келажакимиз учун жонини қурбон қилган ота-боболаримиз хотираси, улар руҳига кўрсатилаётган эҳтиром олдидаги юксак масъулиятимиз, фарзандлик бурчимизни янада яққолроқ ҳис этишимиз ушбу сананинг юксак моҳиятини англашмоқда. Ғалаба нашидасини имкон қадар руҳимизда ҳис этишга, ўша кунлар машаққати ҳамда шодлигини бир дақиқа яшаб ўтиш илнжиди уруш кўрган, урушдан қайтганларни қарши олган, қадрдонларини жанг майдонида йўқотган, ўша давр заҳматини татиган инсонларни суҳбатга чорлашмиз, Иттифоқнинг оёсийишта даври фарзандларига хос тасаввуримизда тиклашмиз, сиз, азиз муштарийларимизга қаҳрамонларимиз ҳикояларини тақдим этмоқдамиз.

ҚР Президенти, ҚХА раиси Қ. Тўқаев Ассамблеянинг XXXIV сессиясида “Буюк Ғалаба: жасоратга таъзим, келажак авлодга ибрат” лойиҳаси махсус қабул қилиниб, бугунги кунда унинг доирасида талай ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади. Республика миқёсида ўтган “Қаҳрамонларга таъзим!” тадбири доирасида ҚР “Дўстлик” ҳамжамияти раиси, ҚХА кенгаши аъзоси Икром Ҳошимжонов, бирлашма



фаоллари Олимжон Ғаниев ҳамда Шухрат Турдиев билан 3-7 май кунларида Беларусь Республикасига ташриф буюришди. Ҳаюртларимиз Могилёв вилояти, Чаусси тумани, Усушек қишлоғида дафн этилган марҳум жангчи Фозил Қодиров ҳамда Гомель вилояти, Буда-Кошелёва шаҳрида дафн этилган лейтенант Нигматжон Ҳошимжоновларнинг қабрларини зиёрат қилишди. Икром Ақром ўғли билан суҳбатда бўлиб, сафар таассуротлари билан кизикдик.

– Бувам Маҳаммаджон Ҳошимжонов ҳам УВУда иштирок этган, – дейди суҳбатда И. Ҳошимжонов. – Елкасидан ўқ егач, Семей минтақасидаги Аяғўз ишчи батальонига юборишган. Улар автоматлар, ўқ-дорилар соладиган махсус қутилар тайёрлашган. Нигматжон бувам Маҳаммаджоннинг укаси, оилада 4 қиз ҳамда 2 ўғил вояга етишган. Ҳошимжон бувани умр йўлдоши Алиа аянинг исмига “пристав” лақабини қўшиб аташар экан. Пристав ўша даврда Қизил-жар даҳасидаги жамоа ҳўжалигида ишдан бўйин товлаб, ишга чиқмаган баъзиларни кўрқитадиган мансаблардан бўлган. “Алиа пристава айтамин” дейилиши ҳамоно, бир сўзли, ўрни келса баджаҳл, кези келганда чўрткесарлигини ҳам намоён қила оладиган масъулиятли ва талабчан раҳбардан қўчпчилик ҳайиққан. Нигматжон бувамиз 1908 йилда таваллуд топган, Шимкент шаҳрининг Эски шаҳар даҳасида вояга етган. Зехнли бўлгани боис ҳам, унинг исмига мулла сўзини қўшиб, таърифлашган. У Тошкентдаги Урмон ҳўжалиги техникумини, сўнг Ўрта Осиё Ирригация институтини тамомлаган ва ўша ерда бироз ўз соҳасида фаолият юритган. Она юртига қайтиб, 1935 йили 4 ойлик муаллимлар тайёрлов курсида таълим олди. Шимкент Педагогика институтига ўқишга кирди. Эски шаҳар даҳасидаги “КИМ” мактабида физика-математикадан сабоқ берди. У Билимдон муаллим бўлганлиги, ўзбек, қозоқ, рус тилларини яхши билганлиги боис Арис шаҳрида 40 кун мобайнида ҳарбий машғулотларда иштирок этиб, лейтенант унвонини олади.

1941 йили дастлаб Маҳаммаджон бувамни урушга олиб кетишди. Ўша йили 25 августда Нигматжон бувам волида мухтарамаси Алиа опага шоғирдлари урушга кетаётганидан, унинг эса уларни фақат кузатиб қолаётганидан виждоний қийналаётганини айтиб, онасининг қизлар билан ёлғиз қолаётганидан норозилигига қарамай, урушга отланган. Алиа бувимиз 4 нафар қизлари билан қолади, бу вақтда Ҳошимжон бувамиз оламдан ўтган эди. Нигматжон бувам урушда бедарак йўқолди. Ўйдаги бор ҳўжатларни жамлаб, Шимкент шаҳар ҳарбий комиссариатига мурожаат қилиб, унинг жангда ҳалок бўлга-

АЖДОДЛАРИНИ ҚАДРЛАГАН АВЛОДЛАРМИЗ



ни ва ўша ерга дафн этилгани ҳақида маълумот олди. 2015 йили “Айғақ” телекомпаниясининг раҳбари, вилоят маслаҳати депутати Дулат Абиш раҳбарлигидаги делегация таркибида Беларусь Республикасига бордим. У ерда аввал 45-69 рақамли номаълум аскар қабри бўлган. Ушбу қабр бувамга тегишли эканлиги аниқланди. Нигматжон Ҳошимжоновнинг қабр тоши кўйилиб, исми шарифи қайд этилди. Жорий йилги сафаримизда эса яна бир бобом-

Мутахассислар архив ҳўжатларида қайд этилган 90 кунлик оловли жанглар ҳақида батафсил ҳикоя қилиб беришди. Беларусь қардошларимизга минг раҳмат, шу ерда ўтган қонли жангларни, унинг тарихини батафсил ўрганиб, музейларида ноёб экспонатларини сақлашар экан. “Бағратион” жанговар операцияси ўтган жойдаги жон сақлаган хандақларни кўриш, боболаримизнинг ватан ҳимояси учун қон тўккан майдонларда юриш авлодлари давомчиларига осон бўлмади. Қишлоқ кенгаши раиси Николай Викторовичнинг айтишича, ҳануз қидирув ишлари юришилмоқда, Усушек қишлоғи атрофидан 89 номаълум аскарлар суяги топилибди. Хоменки қишлоғи атрофидан топилган 306 аскар хоки кимларга тегишли эканлиги ҳозирча номаълум. Кимларнингдир каскаси, камарига ёки бошқа темир анжомларига ўйиб ёзилган исм-шарифлари орқали аниқлаб, уларни қайта дафн этиб, мармар лавҳага исмларини қайд этишибди. Мезбонлар кифтига чопон ёпдик ҳамда ўзбек патирларини ҳадя қилдик.

6 май куни Буда Кошелёва шаҳрини озод этишда ҳалок бўлган зобит ҳамда аскарлар дафн этилган Мемориал мажмуғга ташриф буюрган меҳмонлар бу ерга ҳам дафн этилган қозоғистонлик жангчилар, жумладан, лейтенант, пулемётчилар взводи командири Нигматжон Ҳошимжоновнинг қабрини ҳам зиёрат қилишди. Меҳмонларга туман мафкура ишлари бўйича ижроия қўмитаси вакиласи Елена Степаненко, “Авангард” туман газетасининг муҳаррири Татьяна Титоренко ҳамроҳлик қилишди. Ўша куни делегация аъзолари мактабнинг юқори синф ўқувчилари билан учрашув ўтказиб, уларнинг ватанида дафн этилган боболарининг ҳаёт йўли ҳақида ўқувчиларга ҳикоя қилиб беришди ҳамда турли тадбирлар ўтказиб, уларнинг хотирасини мудом улуғлаб келишаётгани учун миннатдорчилик изҳор этишди.

ҚРнинг Беларусь Республикасидаги Фавкуллода ва Мухтор элчиси Тимур Жақсиклиқов делегациянинг зиёрат тадбирларини уюштиришига катта ёрдам берди, – давом этади И. Ҳошимжонов. – Зиёратимизнинг сўнгги куни Польша билан чегарадош ҳудудда жойлашган энг қадимий шаҳарлардан бири Брестга ташриф буюрдик. Қозоғистоннинг Беларусь Республикасидаги элчихонасида консул сифатида фаолият юритаётган Умар исмли ҳаюртимизнинг ўзбекларга қувёлиги – Қорабулоқда вояга етган ўзбек қизи билан оила қурганлиги, ёшларнинг бир-бири билан муносабатларида аҳиллигини кўриб, хурсанд бўлди, маҳаллий ОАВ вакилларига мусохаба бердик. Сўнг Москвага отландик. Москвага ташрифимиз Қизил Майдондан бошланди. УВУда қозонилган Ғалабанинг 80 йиллиги муносабати билан ўтказилган ҳарбий намоийишда иштирок этдик. Мовий байроғимизни кўтариб юрибмиз. Ҳақиқатан ҳам айнан байроғимиз атрофимизга қозоғистонликларни жамлаб берди. Санокли дақиқаларда “мен Қарагандиданман”, “мен Петропавлданман”, “Мен Семейданман” дея, ҳаюртларимиз йиғила бошлашди. Қозоғистонликлар тўпланиб, бир жамоа бўлиб қолдик, боболаримиз қаҳрамонликларини хотирладик. Ушбу пайтдаги фахр туйғусини тасвирлашга тил ожиз. Бизни боболаримизнинг қаҳрамонликлари бирлаштирди...

Суҳбатдошимиз шу билан бирга, авлодларига аждодлари тарихини, ўтмишини жамлаган муҳим маълумотларни тўплаб, сулола шажарасини яратди – “Авлодлар бирлиги ва давомийлиги” деб номланган китоб ёзди. Икромжон Ақром ўғли аждодларни ўтмишига маънавий эҳтиромини намоён этган ҳаюртларимиз сирасидан. Ушбу китоб орқали кўп инсонлар қариндошлик ришталарини боғлашяпти, боболарини аниқлаб, сулолаларини топишга муваффақ бўлишди. Хотира муқаддас, қадр – абадий. Хотира авлодлар ўртасидаги маънавий ришталарни чамбарчас боғлайди, авлодлар, аждодлар улуғлаган исмлар қадрини юксак тутади. Аждодлари хотирасини қадрлаган авлодлар камолотга эришади.

М. САЪДУЛЛАЕВА.

>>> Обуначиларимиз орасида



Ўранғай қишлоғидаги Нурлан Қадиров раҳбарлик қилаётган 3-сонли умумтаълим мактаби қасаба уюшмаси кўмитаси раиси Раҳматулла Ёқубов яқин кунларда фахрий ҳордиққа чиқадиган ҳурматли ҳамкасби, жисмоний тарбия фани ўқитувчиси Аширбой Ваҳоб ўғли Маннопов тўғрисида мақола ёзишни илтимос қилди.

Элда ардоқли Аширбой устоз

ЁКИ МАКТАБ ҚУРИЛИШИ УЧУН УЛУШ ЕРИНИ ҲАДЯ ҚИЛГАН ҲИММАТЛИ ҲАМҲУРТИМИЗ

1962 йили 20 июнда таваллуд топган Аширбой Маннопов қишлоқдаги Мухтар Ауеов номи мактабини тамомлаб, ҳарбий хизматни Германия давлатида ўтади. Ёшлигидан спортга ихлоси баланд эди. Қолхозда меҳнат қилди. Шимкентдаги физкультура техникумини тамомлагач, қадрдон қишлоғидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабида волейбол бўйича мураббий бўлиб ишлади. Устозлик фаолияти 1984 йили бошланди. Мана, қарийб қирқ йилдирки, ёш авлодга жисмоний тарбиядан дарс бериб, соғлом турмуш тарзини тарғиб этмоқда.

Умр йўлдоши Гулбаҳор Турсунбой қизи ҳам бошланғич синф ўқитувчиси. Фарзандлари Райимбек,

Шавкат (тадбиркор), Фурқат, Мастура ҳам ота-она изидан борган мураббий устозлар. Саодатли оилада 12 нафар ширин-шакар неваралар камол топмоқда. Кечаги кун – бугунги тарих. Ўтган йили фойдаланишга топширилган замонавий мактаб қурилишини кўп йиллар орзу қилган, шаҳар, туман ҳокимлари ҳисоботида масала этиб кўндаланг кўйган марҳум Абдумуталиб хожи Носировнинг мангуликка дахлдор савобли ишини ҳурмат билан ёд этамиз.

Устоз Аширбой Ваҳоб ўғли қадрдон амакиси, қишлоқ бийи ва имоми бўлиб самарали меҳнат қилган, масжид қурган марҳум Абдумуталиб хожи Носировнинг маслаҳа-

тига биноан ўзининг 1,1 гектар ер улушини мактаб қурилиши учун ҳадя қилганини фахр билан тилга олди. Янги мактаб барпо этилиб, ишга тушгач, Ўранғай қишлоғининг бир неча юз ўқувчилари ҳар кун қарийб тўрт чақирим масофадан мактабга қатнаш машаққатидан мосуво бўлди.

Шу савобли ишга ҳисса қўшган барча ҳамюртларимизга, хусусан, элда ардоқли устоз Аширбой Ваҳоб ўғлига миннатдорчилик билдира-миз.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирда: Аширбой Маннопов (ўртада) мактаб директори Нурлан Қадиров ва қасаба уюшмаси кўмитаси раиси Раҳматулла Ёқубов.



Саврон туманидаги “Қорачиқ-М” умумтаълим мактаби директори, фаол обуначимиз Султонмурод Суннатилла ўғли Ибрагимов билан бамаслаҳат ҳолда, Саврон тумани таълим соҳаси раҳнақига муносиб ҳисса қўшган маориф тизими фахрийлари – падари бузруквори Суннатилла Қудратилла ўғли, волидаи муҳтарамаси Дилбар Ҳабибулла қизи ҳақида мақола тайёрладик.

УСТОЗЛАР СУЛОЛАСИ



Суннатилла Қудратилла ўғли 1971 йили қишлоқдаги ўрта мактабни тамомлаб, Тошкент шаҳридаги Низомий номи педагогика институтида математика фани бўйича таҳсил олди. Устоз сифатида меҳнат фаолиятини Турсунбой Алиев раҳбарлик қилган Ш. Ниёзов номи мактабда бошлади. “Коммуна” мактабида ўқитувчи, Чипон мактабида директор сифатида самарали меҳнат қилди. 2017 йили фахрий ҳордиққа чиқди.

Меҳнатлари қишлоқ, шаҳар, вилоят, республика миқёсида муносиб тақдирланган. Хусусан, “Елеулӣ еңбегі үшін ел

тонмурод, Шомурод, Саидмуродларни олий маълумотли, ишбилармон, тадбиркор сифатида тарбиялади. Келинлари – Доно, Гулбаҳор, Гулмира ва Меҳрибонлар ҳам турли соҳаларда самарали фаолият юритаётган ма-лакали мутахассислар. Аҳил ва пири бадавлат оилада – тўнғичи Нилуфар кенжаси Нурмуҳаммад исмли 17 ширин-шакар неваралар камол топмоқда. Ўз касбининг моҳир мутахассиси, ётуқ педагог, таълим соҳасидаги самарали меҳнати муносиб мукофотлар билан тақдирланган Дилбар Ҳабибулла қизи 2019 йили вафот этди. Охирати обод бўлсин. Халқимизда “Устоз отангдек улуғ” деган ҳикматли нақл бор. Устозлик касбини улуғлаб, элда эъзоз топаётган Султонмурод Суннатилла ўғлига маориф соҳасида янги зафарлар ҳамроҳ бўлишини тилаймиз.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирларда: Султонмурод Суннатилла ўғли; Султонмурод Ибрагимовнинг падари бузруквори ва муҳтарам волидаси; падари бузруквори неваралари даврасида.



ардақтиси”, “Ы. Алтынсарин”, “Халық құрметі”, “Дўстлик”, “Мертебелі ұстаз” каби кўкрак нишонлари ва нуфузли унвонлар фикримизнинг далилидир. Суннатилла Қудратилла ўғли умр йўлдоши, институтда бирга ўқиган, мак-

табда бирга меҳнат қилган қадрли ҳамкасби, кўплаб иқтидорли шогирдлар тайёрлаган олий тоифали математика ўқитувчиси Дилбар Ҳабибулла қизи билан муштарак ҳаётлари давомида қобил фарзандлар – Тўхтамурод, Сул-

>>> Заковатли миллат

КУТУБХОНАНИНГ ФАХРИ – ЧАРОС АБДУВАЛИЕВА

Қорамурт қишлоғидаги Панфилов номи мактабининг 9-синф ўқувчиси Чарос Абдувалиева ўз тенгдошлари орасида билимга чанқоқлиги, адабиёт ва санъатга муҳаббати, турли соҳаларда эришган муваффақиятлари билан ажралиб туради. У мактаб кутубхонасининг энг фаол ва доимий аъзоси сифатида китобга муҳаббати орқали кўпчиликка ўрнак бўлмоқда.

Чарос нафақат илм, балки санъат соҳасида ҳам иқтидорли. У тўқиш, тикиш ва расм чизиш каби амалий санъат турларида маҳоратли. Унинг ишланмалари ва расмлари кўргазмаларда намоён этилиб, мутахассислар томонидан юқори баҳоланган.

Келажакда шифокор бўлишни орзу қилаётган Чарос бу йўлда тайёргарлик кўриб, тинимсиз билим олишга ҳаракат қилмоқда. Инсонларга шифо бахш этиш – унинг болалик орзуси, унга эришиш учун бор куч-ғайратини аямай келмоқда.

23 апрель – Миллий китоб кунига



бағишлаб, Низомобод қишлоқ кутубхонасида маънавий-маърифий тадбирлар ҳафталиги ўтказилиб, унда энг фаол китобхонлар аниқланди ва рағбатлантирилди.

Чарос ҳам мазкур тадбирлар давомида ўз фаоллиги, билимдонлиги ва кутубхона ҳаётидаги иштироки билан ажралиб турди. У Сайрам туман марказий кутубхоналар тизими томонидан махсус ёрлик ва эсдалик совғалари билан мукофотланди.

Чароснинг номи кутубхона фаолияти тарихида бир неча бор фахр билан



тилга олинган. У аъло баҳоларда ўқийдиган, ўзига ишонган, меҳнатсевар, мақсадга интилишдан чарчамайдиган, тенгдошларига намуна ўқувчи.

Бундай зийрак, билимдон ва серқирра қизимизга келгусида муваффақиятлар, порлоқ келажак, ўқиш ва меҳнатда улкан зафарлар тилаб қоламиз! Китобга муҳаббати ва изланувчанлиги туфайли Чарос яна кўплаб чўққиларни забт этиши, шубҳасиз.

Нигора РЎЗАҚУЛОВА,
Низомобод қишлоқ кутубхоначиси,
Сайрам тумани.

ҚОЗОҒИСТОНЛИК ШАХМАТЧИ – МЕДАЛЬ СОҲИБАСИ



Бирлашган Араб Амирикларининг Ал-Айн шаҳрида шахмат бўйича ўтаётган Осиё чемпионатида 19 ёшли қозоғистонлик Ксения Балабаева классик шахматдан бронза медалига сазовор бўлди.

Ксения 23 мамлакатдан 100 нафар шахматчи иштирок этган мусобақада 9 имкониятдан 7 очко жамғарди. Иштирокчилар орасида икки

нафар гроссмейстер ва 13 халқаро спорт устаси дона сурди.

Хал қилувчи сўнги ўйинда Ксения мўғулистонлик Батхуягийн Монгонтуул устидан ҳақли равишда ғалаба қозонди.

Таъкидлаш жоизки, қозоғистонлик Алуа Нурман тезкор шахмат мусобақасида олтин медални кўлга киритди.

Муаллиф тасвирлари.

Ҳамрокул ДАВРОНБЕКОВ,
ҚР ўзбекларининг биринчи суҳбандони,
Сайрам туманининг фахрий фуқароси.
Турсунхўжа ХОНХУЖАЕВ,
фаол жамоатчи.
Фахриддин ҚОРАТОВ,
Давлат ва жамоат арбоби.
ҚР Парламент Мажлисининг икки
чақириқдаги собиқ депутати.
Баҳодир НУРАЛИЕВ,
фаол жамоатчи, фахрий устоз.
Қосимхон АБДУРАИМОВ,
маданият ходими.
Жабборкул СЕРҒАЛИЕВ,
Х. Ҳайитов номи мактаб директори.
Муроджон АБУБАКИРОВ,
«Жанубий Қозоғистон» газетаси
аш муҳаррирининг муовини, журналист.

ПОК ИНСОННИНГ ДУОСИ ИЖОБАТ БЎЛАДИ

17 неvara, 57 эvara ардоғида умргузаронлик қилаётган пиру бадавлат онахон – Тамара Мирҳақимова ҳақида мақоламизда сўз юритамиз. 85 ёшли Тамара Қўқор қизи мухлисларимизга меҳнат, оила қадриятлари, фарзанд тарбияси каби муҳим тушунчалар ҳақида ўз ҳаётидан мисоллар келтиради. Умрининг ибратли саҳифаларини очади...

– Мен 1940 йил 1 майда ҳо-
зирги Интимақ даҳасида дунёга
келдим. Отажоним Қўқор Йўл-
дошев шу даҳадаги йирик ҳў-
жалик раҳбари эди. Онажоним
Хайринисо – уй бекаси. 6 қиз
ва 1 ўғил – Шарофат, Хуринисо,
Нуринисо, Ҳалима, Салима,
Омонтойлар орасида учинчи
фарзанд эдим. Туғшганларим-
дан Ҳалима ва Омонтой ҳаёт.
Дастлаб Киров номили 7-йиллик
мактабда, сўнг Сталин номи-
ли мактабда таҳсил олдим.
Аълочи эдим, олий маълумот
олишни истардим, лекин... 18
ёшимда турмушга беришди.
Миркомил (Комил) Мирҳақимов
билан оила қуриб, беш фар-
зандли бўлдим.
Онахон равон тили, содда
ифодаси билан ўз ҳаёти ҳақида
гап бошлаган эди, кенжа қизи
Комила опа суҳбатни илиб кет-
ди.
– Падари бузрукворимиз
шаҳримиздаги Механика за-
водида хайдовчи бўлиб ишла-
ган, машъум ҳалокат туфайли

Мирҳақим ота Қўқор отам би-
лан яқин дўст эдилар. Ўртоғига
кўзда ёш билан арз қилибди:
“Ахир, ўғлим яккаю ёлғизим
эди, усиз, ортидан қолган жи-
гаргўшаларисиз қандай яшай-
ман?”
Катталарнинг сўзи ҳукм. Ёш
ва гўзал Тамара бир умр шу
уйда қолди ва бизни – Клара,
Ҳадя, Унсиной, Холмурод ва
Комилани вояга етказди. Нафа-
қат вояга етказди, балки олий
маълумотли, хунарли, ижодкор
фарзандлар сифатида камол
топишимизга имкон яратди.
– **Болалик чоғларингиз
қандай ўтган?**
– У пайтда деярли ҳамма
томорқа хўжалиги, мол-ҳол
билан шуғулланарди. Онам хў-
жалик далаларида тер тўқарди.
Эсимда, барвақт туриб жамоа
хўжалигига чопар, тушликка
яқин уйга ҳориб-чарчаб югуриб
келарди-да, бизга, қайнона-
қайнотасига овқат тайёрлаб
берарди. Уйимизда сигир-қўй,
отлар боқиларди. Улардан “ха-



муздекина ариқ сувини сепиб,
устига шолча солиб, ширин суҳ-
батлар қулардик. Қўйларимиз
ҳам кўп бўларди. Бир ҳадисда
ўқиган эдим: “Аллоҳ юборган
ҳар бир Набий, албатта, қўй
боққандир!”. Аллоҳ таоло ўзи-
нинг барча пайғамбарларига
қўй боқишни бежиз раво қўр-
маган экан. Бу – ризқ-рўз топиш
учун яхши ҳаракат экан. Ҳам –
барака манбаи. Қўй боқиб, биз
ҳам кам бўлмадик. Ҳар ҳафта
қўй сўйиларди, қариндошлари-
мизни чаққиб, қулчатоё ердик,
сотсак – яхшигина даромад
берарди. Нақадар оқибатли,
меҳр-мурувватли эди ўша давр



оламдан ўтган. Онам бу пайтда
менга ҳомиладор бўлган, мен
отамни кўрмаганман, ота меҳ-
рисиз ўсдим... Исмимни отасига
уйқаш бўлсин деб Комила деб
қўйишган.
Мана шу даврдан эътиборан,
онам учун синовли кунлар бош-
ланди. Минг бир машаққат ичра
бизни туғиб, дунёга келтирган
онаизор ёлғиз қолди. Ҳали 30
ёшга қирмаган ёш бева зимма-
сида ҳам оналик, ҳам оталик
масъулияти мўжассам эди.
Боқувчисини йўқотиб, бир
этак болалари билан ёлғиз
қолган аёл нима ҳам қила олар-
ди? На хунари, на маълумоти
бўлса. Қолаверса, ота уйига
қайтишни истади ҳам. Бувам

бар” оларди. Далаларда поми-
дор терими бошланган пайтда,
мени ҳам ўзи билан бирга олиб
кетарди. Она-бола помидор
териби, режани тезда бажариб
қўярдик. Ҳаммамизни меҳнат-
га ўргатди онам. Уйда қайно-
на-қайнотаси ҳам тинмасди,
томорқадаги экинни “бозорга”
тайёрлаб қўйишарди, яъни мав-
сумда қўкатларни ўриб-бойлаб
туришарди. Уларни ҳам сотиб
келарди онам. Юқорида айтга-
нимдек, уйимизда бия боқар-
дик, ҳар кун оқватдан олдин
қимиз ичардик. Онам доқалар-
да сузилган хушбўй ва шифо-
бахш ичимликни келтириб, шо-
пириб-шопириб ҳар биримизга
ичиарди. Ёз кунлари ҳовлига

одамлари... Кунни бўйи дала-
ларда терлаб-пишиб, меҳнат
қилса-да, кечқурун ҳеч нарса
бўлмагандек, фазли дастур-
хон устида чаққақлашиб ўтири-
шарди. Онам ҳар биримизнинг
дарсимизни эринмай текширар-
ди, ўзи ўқий олмагани учунми,
бизнинг ўқимшли бўлишимиз-
ни жону дилидан истарди. Қат-
тиққўллик ва талабчанлик би-
лан таълим-тарбиямизга катта
аҳамият берарди. Клара опам
билимга ниҳоятда чанқоқ эди.
Мақтабни “олтин медал” билан
тамомлаб, Тошкент шаҳридаги
Низомий номили муаллимлар
олийгоҳида ўқиди, сўнг аспи-
рантурани тамомлади, физика
фани билимдони бўлди.

Н. МАВЛОНОВА.

ТУРКИЯДАН МЕҲМОНЛАР ТАШРИФ БУЮРДИ



оқимини кўпайтириш ва Тур-
кистоннинг халқаро миқёсда
танилишига қаратилган муҳим
қадамдир. Биз учун Туркистон
шунчаки тарих эмас, балки ке-
лажақнинг ёрқин намунаси. Бу

йўналишдаги тадбирлар тизим-
ли равишда давом этаверади,
– деди Зулпихар Сансизбайули.
Бундай саёхатлар Қозоғис-
тон ва Туркия ўртасидаги ту-
ризм соҳасидаги ҳамкорликни

мустаҳкамлашга ва Туркис-
тонни халқаро миқёсда тарғиб
қилишга ёрдам беради.

Вилоят ҳокимининг
матбуот хизмати.

Директор – Бош муҳаррир
Райимжон Ортиқбой ўғли
АЛИБОВЕВ.

Бош муҳаррир ўринбосарлари:
Муроджон АБУБАКИРОВ.
Авазхон БУРОНБОВЕВ.

Масъул котиба – Шаҳноза УСМОНОВА.

Масъул шахслар:

Туркистон, Саверон – Шомирза МАДАЛИЕВ. +7701-610-51-22.
Қазигурт – Хуршид ҚўЧҚОРОВ. +7701-447-37-42.
Сайрам – Зокиржон МҲМИНЖОНОВ. +7702-278-96-90
Тулқибош – Мунира САЪДУЛЛАЕВА. +7702-144-60-71.
Жетисай, Мақтарал – Муҳтабар УСМОНОВА. +7701-257-36-97
Келес, Сарюғоч – Малика ЭЛТОЕВА. +7702-841-78-82
Кентош, Сўзоқ – Рўзиохун МАДАЛИЕВ. +7708-824-20-97.

Муассис – Туркистон вилояти ҳокимлиги.
Мулк эгаси – “Жанубий Қозоғистон” вилоят ижтимоий-сиёсий
газетаси таҳририяти” масъулияти чекланган биродрарлиги.

«Мақолапар, эълон ва билдирувлардаги факт
ҳақида далилларнинг таърифи учун муаллиф-
лар, реклам ва эълон берувчилар масъулдир.
«Фойдаланилмаган мақолапар ва эълон жавоб
қайтарилмайди.

Газета ҚР Маданият ва ахборот вазирлиги
томонидан 2020 йил 21 апрелда рўйхатга олинди,
KZ34VPR00022503 гувоҳнома берилган.

“ERNUR-online” МҲБ босмаханасида чоп этилди.
Шимкент шаҳри, Т. Алимқулов кўчаси, 22.

Қозоғистон Республикасида тарқатилади.

Бир нум.
1103.

Навбатчи муҳаррир: Наргиза МАВЛОНОВА.

МАНЗИЛИМИЗ:
160000, Шимкент шаҳри,
Тауке хан шоҳқўчаси, 6-уй, 3-қават.
Телефон: 53-07-10. Телефакс: 53-04-66.
+7778-618-39-05
Электрон почта: janubiy@inbox.ru

Нашр кўрсаткичи – 65466. Адади – 11300 нуска.